

ПУДРАТ ШАРТНОМАСИ № 25

Бўстон тумани

“20” 12 2022 йил

Кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилганидан “Бўстон туман Халқ таълими бўлими” номидан Низом асосида иш юритувчи раҳбари А.Ахмадалиев бир томондан, ва кейинги ўринларда “Пудратчи” деб юритилганидан “БАРҚАРОР ЙЎЛЛАР 2002” МЧЖ номидан низом асосида иш юритувчи раҳбари С.Бахридинов иккинчи томондан бўлиб Бўстон тумани 61-ИДУМ худудини жорий таъмирлашга доир пудрат шартномасини туздилар.

**1. Шартнома мавзуси**

1.1. “Пудратчи” мазкур шартнома шартларига мувофиқ Бўстон тумани 61-ИДУМ худудини жорий таъмирлаш ишларини бажариш мажбуриятини олади.

1.2. “Буюртмачи” эса “Пудратчи”га қурилиш ишларини бажариш учун зарур шароитлар яратини ва тўловларни амалга ошириш мажбуриятларини олади.

**2. Шартнома бўйича ишлар қиймати.**

2.1 Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар умумий қиймати (солиқлар, йиғимлар ва ҚҚСларни ҳисобга олган ҳолда **240 165 000 (Икки юз қирқ миллион бир юз олти миң беш миң) сўми**ни ташкил этади.

2.2. Ишлар қиймати узил кесил ҳисобланади ва кейинчалик қайта кўриб чиқилиши мумкин эмас.

Қуйидаги ҳоллар мустасно:

-Таъмирлаш қиймати ва муддатини кўпайтиришга сиб бўлмайдиган (форс – мажор) ҳолати сабаб бўлганда;

-Ишлар ҳажми Буюртмачи томонидан ўзгартирилганда;

-Объектнинг қурилиш бир йилдан ортиқча ўзгартирилганда.

2.3 Таъмирлаш муддати бир йилдан ортиқ бўлганда иккинчи йилга ва кейинги йилларга шартномавий нархларни аниқлаштириш қонуни ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

2.4. Тегинли асослар мавжуд бўлганда санаб ўтилган ўзгартиришлар “Буюртмачи” ўртасидаги шартномасига қўшимча битим билан расмийлаштирилади.

**3. Пудратчининг мажбуриятлари.**

3.1. Мазкур шартнома бўйича “Пудратчи” шартноманинг 1- чи бўлимида назарда тутилган ишларни бажариш учун барча ишларни мазкур шартномага мувофиқ бажариш ва ўз муддатида бажариш ҳамда, ишни “Буюртмачи”га мазкур шартнома шартларига мувофиқ топшириш.

3.2. Таъмирлаш майдонига зарур бўлган материаллар, буюмлар, конструкциялар ва бутловчи буюмлар, қурилиш техникаларини етказиб бериш, уларни қабул қилиш, тушириш, омборга жойлаш ва мазкур шартномада назарда тутилган барча мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини ўз зиммасига олади.

**4. Буюртмачи мажбуриятлари**

4.1. Буюртмачи мазкур шартнома бўйича барча ишларни “Пудратчи” томонидан зарур тарзда бажарилишини ҳамда объектнинг топширилиши учун тўлиқ мулкий жавоб беради.

Ишлар бажарилиши устида доимий қурилиш назорати ва мазкур шартномада қайд этилган “Пудратчи” томонидан қабул қилинган мажбуриятлар ва бошқа функцияларга риоя этилишини назорат қилиш, “Пудратчи”дан тугалланган ишларни қабул қилиб олишни таъминлаш; Шартномага асосан “Пудратчи”га аванс бериш ва жорий мостивлаштиришни амалга ошириш ва мазкур шартномада назарда тутилган мажбуриятларни тўлиқ ҳажмда бажариш мажбуриятини олади.

**5. Ишларни бажариш муддати**

5.1 “Пудратчи” мазкур шартномага мувофиқ, биринчи аванс тўлови тушган кундан бошлаб ишларни бажаришга киришади.

5.2 Ишларни бажариш муддати аванс тўловидан эътиборан 15 кунни ташкил этади.

5.3 Мазкур шартнома бўйича ишлар, ишларни бажариш жадвалига мувофиқ амалга оширилади.

**6. Тўловлар ва ҳисоб – китоблар**

6.1 Шартнома тегинли Газначилик тизимидан руйхатдан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга кириши ва тўловлар келма келишига амал қилган ҳолда 5 банк иш кунинда “Буюртмачи” бажаришган иш ёки қўрсатилган хизматнинг умумий сўммасининг **30** фоизини бу **72 049 500 (Етмиш икки миллион қирқ тўққиз миң беш юз)** сўмини ташкил этади, олдиндан аванс тариқасида “Пудратчи”нинг ҳисоб рақамига ўтказиб беради. Қолган қисми бажаришган ишларни қўрсатилган хизматларни ҳисоб фактурага асосан ўтказиб берилади.

6.2 “Буюртмачи” томонидан “Пудратчи”га аванс бериш ва маблағларни тўлаш учун ишларни бажариш ва топшириш далолатномалари асос ҳисобланади. Ишларни қабул қилиш далолатномалари хар ойнинг охирида “Буюртмачи” томонидан 72 соат мобайнида кўриб чиқилиб расмийлаштирилиши зарур. Қўшимча қилинган ишлар керакли ҳужжатлар расмийлаштирилгандан сўнг қўшимча келишувга асосан ўтказиб берилади.

**7. Ишларни бажариш**

7.1 “Буюртмачи” таъмирлаш майдонини ўз вақилини “Техник назоратчи”ни тайинлайди. У “Пудратчи” томонидан бажариладиган ишлар сифати устидан техник назоратни амалга оширади, шунингдек “Пудратчи” томонидан фойдаланиладиган материаллар ва асбоб – ускуналар шартнома шартларига мувофиқлигини текширади.

7.2 “Пудратчи” ишларни бажариш доирасига, ва мазкур шартноманинг V – бўлимида қўрсатилган муддатлар билан мувофиқлаштирилган ўз режасига ва жадвалига биндан объектда ишларни бажаришни мустақил равишда ташкил этади.

7.3 “Пудратчи” ўзи томонидан таъмирлашда қўлланиладиган қурилиш материаллари, асбоб – ускуналари ва бутловчи буюмлар, конструкциялар ва тизимлар сифати дойиша ҳужжатларида қўрсатилган спецификацияларга давлат стандартларига, техник шартларга мувофиқ бўлишини ҳамда уларни сифатини тасдиқловчи тегинли сертификат ва техник паспортларга ёки бошқа ҳужжатларга эга бўлишини кафолатлайди.

### 8. Ениб бўлмайдиган куч (форс – мажор) ҳолатлари.

8.1 Агар ушбу шартнома бўйича мажбуриятлар қисман ёки тўлиқ бажарилмаслиги табиат ҳодисалари ва бошқа ениб бўлмайдиган куч ҳолатлари натижасида келиб чиқса ва агар ҳолатлар мазкур шартноманинг бажарилишига беvosита таъсир этса, томонлар ундан ёки тўлиқ бажармаслик учун жавобгарликдан озод этиладилар.

8.2 Агар ениб бўлмайдиган куч ҳолатлари ёки уларнинг оқибатлари бир ойдан кўп вақт чўзиlsa, у ҳолда “Пудратчи” ва “Буюртмачи” ишларни давом эттириши ёки уларни консервация қилиши учун қандай чоралар кўрилишини муҳокама қиладилар.

8.3 Агар томонлар икки ой ичида келиша олмасалар, у ҳолда томонларнинг ҳар бири шартномани бекор қилишини талаб қилишга ҳақлидир.

### 9. Қурилиш тугалланган объектни қабул қилиб олиш

9.1 Объектларни уларнинг фойдаланишига тайёрлиги тўғрисида “Пудратчи” ёзма билдирувдан кейин “Буюртмачи” томонидан 3 кун мобайнида қабул қилиб олинлади.

9.2 Қабул қилиб олинган пайдан бошлаб объект “Буюртмачи”нинг мулкига айланади.

### 10. Шартномани бекор қилиш.

10.1 Шартнома кучга киргандан кейин қурилишнинг бошланиши “Буюртмачи”га боғлиқ бўлмаган сабабларга кўра “Пудратчи” томонидан бир ойдан кўп вақтга кечиктирилганда;

“Буюртмачи” томонидан молиялаштириш ишлари бажарилмаганда.

10.2 Шартнома бекор қилинган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни шу жумладан бериб берилган фойдани тўлайди.

10.3 Шартнома Газначилик бўлимига руйхатидан ўткандан сўнг кучга киради ва “31” декабр 2022 йилигача амал қиладди

### 11. Томонларнинг ҳуқуқий жавобгарлиги

11.1 Томонлардан бири шартнома мажбуриятини бажармаса ёки зарур даражада бажармаган тақдирда айбдор томон иккинчи томонга етказган зарарни тўлайди:

Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, “Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини шартномавий ҳуқуқий базаси тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунида ва бошқа қонун ҳужжатларида ҳамда мазкур шартномада назарда тутилган тартибда жавобгарликка тортилади.

11.2 Мазкур шартномага тегишли шловаларда кўрсатилаган ўз мажбуриятларига риоя қилмаганлиги, ўз вақтида молиялаштирилмаганлиги ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларнинг бузилганлиги учун “Буюртмачи” “Пудратчи”га кечиктирилган ҳар бир кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисмининг 0,5% миқдорида пеня тўлайди. Бунда пенянинг умумий суммаси бажарилмаган ишлар ёки кўрсатилмаган хизматларнинг 50% ошмаслиги лозим.

11.3 “Пудратчи” объектни ўз вақтида ишга тушириш бўйича ўз мажбуриятларини бузганлиги учун “Буюртмачи”га муддати ўтказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 0,05% миқдорида пеня тўлайди, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси объект шартномавий жорий қийматининг 50%дан ошмаслиги лозим.

### 12. Низоларни ҳал этиш тартиби.

12. Шартномани бажаришда ва бекор қилишда шунингдек етказилган зарарларни қоплашда пайдо бўладиган низолар масалаларни томонлар ҳал этолмаса улар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иккитарафлиқ суди томонидан кўриб чиқилади.

### 13. Томонларнинг банк реквизитлари ва юридик манзиллари

#### ПУДРАТЧИ

#### “БАРҚАРОР ЙЎЛЛАР 2002” МЧЖ


Манзил: Бўстон тумани Янги кишлоқ МФЙ

с/р: 2020800000838683001

МФО: 00628

ТНН: 305 228 074

Банк номи: АТБ Халқ банки Бўстон тумани филиали



Ташкилот раҳбари:

С.Баҳриддинов

#### БУЮРТМАЧИ

#### Бўстон тумани Халқ таълим бўлими

Манзили: Бўстон тумани Гузар МФЙ

Ш/хв: 401722860032097092100075007

СТИР: 200 264 426 МФО: 00014

Газначилик бўлимига қонунчи: Молния Вазирнинг

газначилиги ҳисоб вақти

с/р: 4052003010001010


Тошкент шаҳар Халқ таълим банк ККМ, МФО 00014

СТИР: 200 264 426



Ташкилот раҳбари:

А.Ахмадалиев



YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN  
HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY  
XULOSA

YN7404536728

1. Loyihaning turi : Shartnoma
2. Loyihaning nomi: **Bo'ston tumani 61-IDUM xududini joriy ta'mirlash**
3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Buston tumani xalq ta'limi tomonidan 19.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

Bo'ston tumani  
yuridik markazi  
bosh yuristkonsulti:



**B.I.ADXAMOV**

19.12.2022